O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 4 октябрь, № 194 (4093) Чоршанба

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев 3 октябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.***



Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари асрлар давомида қон-қардош бўлиб, ўзаро савдо-сотиқ қилган, бир-бирининг маданияти ва санъатини бойитган. Халқларимиз ўзбек ва қирғиз адибларининг асарларига умумий мулк сифатида қараб, уларни асл ҳолида ўрганган. Ўзбек ва қирғиз доим бир-бири билан қувончли кунларини баҳам кўриб, оғир дамларда ҳамдард, елкадош бўлган.

Умумий тарих, муштарак маданият ва урф-одатлар, тил ва диннинг бирлиги бугунги кунда ҳам ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги алоқаларда яхши қўшничилик, яқин дўстлик ва қардошлик, ўзаро ишонч тамойиллари устувор аҳамиятга эга.

Дўрмон қароргоҳида Қирғизистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев шоҳсупага кўтарилдилар. Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентларининг якка-ма-якка учрашуви бошланди.

Ислом Каримов ва Қурманбек Бакиев мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, ШҲТ доирасидаги алоқалар, шунингдек, минтақавий хавфсизликка оид ҳамда ўзларини қизиқтирган долзарб халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани қайд этилди.

Томонларнинг кўплаб минтақавий ва халқаро муаммоларга қарашлари бир хил ёки яқинлиги таъкидланди. Айниқса, халқаро террорчилик ва диний-экстремистик оқимларга қарши курашда мамлакатларимиз саъй-ҳаракатларини бирлаштириши зарурлиги борасида Президентларнинг фикри бир жойдан чиқди. Хавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳамкорлик ўзаро муносабатларнинг муҳим таркибий қисми эканлиги таъкидланди.

— Ташрифингиз икки томонлама ҳамкорликни таҳлил қилиш ва холисона баҳолаш, алоқаларни янада кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун яхши имкониятдир, — деди Ислом Каримов. — Бугунги учрашув мамлакатларимиз яқиндагина ўз мустақиллигининг 15 йиллигини нишонлаган кунларга тўғри келганида чуқур рамзий маъно бор. Биз барча соҳаларда кенг ислоҳотларни амалга оширдик. Босиб ўтган йўлларимизнинг таҳлили мақсадларимиз муштарак эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Президенти халқларимизнинг тарихий-маданий ва диний муштараклиги ҳамда анъаналарнинг ўхшашлиги муносабатларни ривожлантириш учун муҳим асос бўлишини қайд этди.

— Биз мамлакатларимиз ўртасида тузилган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг 10 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз, — деди Қурманбек Бакиев. — Бугунги саммит Қирғизистон ва Ўзбекистон абадий дўстлик тамойилларига асосан ҳамкорлик қилиб келаётгани, алоқаларни ана шу тамойиллар асосида ривожлантиришга интилаётганидан яна бир далолатдир.

Президентлар Ўзбекистон-Қирғизистон давлат чегарасининг назоратини кучайтириш мақсадида чегара, хавфсизлик, божхона хизматларининг яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва мувофиқлаштиришга келишиб олдилар. Чегарани делимитация қилиш борасида икки мамлакатда амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Ислом Каримов ва Қурманбек Бакиев 8 сентябрь куни Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисида ҳужжат имзолангани ва бу воқеа минтақамиз давлатларининг дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшаётганидан далолат эканлигини таъкидладилар.

Президентлар ўзаро мулоқотни Ўзбекистон ва Қирғизистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда асосий эътибор ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, транспорт коммуникациялари ва сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланишга оид масалаларга қаратилди.

Ўзбекистон билан Қирғизистоннинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги қардошлик, яқин қўшничилик анъаналари асосида изчил ривожланиб бормоқда. Бу борадаги алоқалар мамлакатларимиз ўртасида имзоланган эркин савдо, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочишга оид битимлар ва бошқа зарур ҳужжатлар билан тартибга солинмоқда.

Жорий йилнинг олти ойида ўзаро савдо ҳажми 38,5 фоиз ортди. Аммо Президентлар таъкидлаганидек, савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўлами ошиб бораётган бўлса-да, унинг умумий кўрсаткичлари икки томонни ҳам қониқтира олмайди. Минерал хомашё захираларини ўзлаштириш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби кўплаб соҳалар бўйича икки мамлакатда ҳам қўшма корхоналар очиш мумкин. Транспорт коммуникациялари ва гидроэнергетика соҳасида ҳам катта имкониятлар мавжуд. Томонлар ишбилармон доиралар вакилларининг бевосита мулоқотларини рағбатлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини қайд этдилар. Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссияга алоқаларни кенгайтиришнинг янги имкониятларини ўрганиб, тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифасини топширишга келишиб олдилар.

Ижтимоий соҳадаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Илм-фан, маданият ва санъат намояндаларининг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш, спорт, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, оммавий ахборот воситаларининг алоқаларини фаоллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

— Ижтимоий соҳа бўйича ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур, — деди Ислом Каримов. — Санъаткорларнинг гастроллари, турли кўргазмалар, зиёлиларнинг учрашувлари халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Музокара якунида Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари Қўшма баёнотга ҳамда 2007-2011 йилларда иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва дастурга имзо чекдилар.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳукумат алоқаси тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, фуқароларнинг ўзаро бориб-келиши тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ҳуқуқий ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим, сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар самарали кечганидан мамнуният билдириб, мулоқотлар ишчан кайфиятда, ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар.

Президент Ислом Каримов бугунги учрашув икки томонлама муносабатларимизни ривожлантиришнинг янги имкониятларини очишини, мамлакатларимиз манфаатларига ва ҳамкорликни янги поғонага кўтаришга хизмат қилишини таъкидлади. Музокараларда ўзаро муносабатларга доир кенг қамровдаги масалалар кўриб чиқилганини, БМТ, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасида баҳамжиҳат ҳаракат қилиш, хавфсизликни биргаликда таъминлаш борасида фикрлар бир жойдан чиққанини қайд этди.

— Ушбу ташриф ўзаро муносабатлар тарихидаги муҳим воқеа бўлди, — деди Ислом Каримов. — Халқларимизнинг дўстлик-биродарлик алоқалари тарихи минг йиллар қаъридан бошланади. Бу аждодлардан қолган бебаҳо бойликдир. Биз уни асраб, мустаҳкамлаб, келгуси авлодларга етказишимиз лозим. Бугун қабул қилинган Қўшма баёнотда икки мамлакатнинг 1996 йилда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартномага садоқат руҳида ҳамкорликни ривожлантиришга интилиши қайд этилган. 2007-2011 йилларда иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва дастур ҳам алоқалар ривожига кучли туртки беради.

Қурманбек Бакиев ташриф натижалари халқларимизнинг яқинлиги, азалий дўстлиги ва муштарак интилишларига яна бир тасдиқ бўлганини таъкидлади.

— Мулоқотлар тўлалигича ўзаро англашув руҳида ўтди, бу эса ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги истак-интилишларимиз муштарак эканлигидан далолатдир, — деди Қирғизистон Президенти.

Куннинг иккинчи ярмида олий мартабали меҳмон Ўзбекистон Бош вазири Ш.Мирзиёев ҳамроҳлигида Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюрди. Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар ҳар қандай инсоннинг эътиборини тортади. Музей Амир Темур фаолияти, унинг бепоён салтанати, Улуғбек ва Бобурдек алломаларни етиштирган сулоласи, Соҳибқироннинг жаҳон тарихида тутган ўрни ҳақида ёрқин тасаввур беради. Қурманбек Бакиев музейни катта қизиқиш билан томоша қилди. Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Қирғизистон Президенти Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлмиш Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйди.

Қурманбек Бакиев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Илгизар Собиров билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида олий қонун чиқарувчи органларнинг ҳамкорлигини янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Меҳмонга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида атрофлича маълумот берилди. Томонлар икки мамлакат парламентлари ўртасида ўзаро тажриба ва ахборот алмашувини фаоллаштириб бориш зарурлигини таъкидладилар.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан ҳам учрашди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришда, жумладан, унинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаб боришда парламентлараро алоқалар муҳим ўрин тутиши қайд қилинди. Ўзбекистон билан Қирғизистоннинг олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиевнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

**Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун мониторинги натижаларига бағишланган йиғилиш бўлди.**

# ТАДБИРКОР ВА ҚОНУНЧИЛИК

Институт директори Ф.Отахонов мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Бунинг натижаси ўлароқ, ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда.

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоялаш тизими йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларининг асосан судлар орқали ҳал этилаётгани бунинг исботидир. Хўжалик юритувчи субъектларга қўлланиладиган жазо тизимининг эркинлаштирилгани, қасддан қилинмаган ва унча катта бўлмаган қонунбузарликлар учун жазо камайтирилиб, етказилган зарар ихтиёрий равишда қопланган ҳолларда жазо қўллашдан воз кечиш тажрибаси ўзининг ижобий самарасини кўрсатяпти.

2000 йилда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоялашда ўзига хос муҳим восита бўлиб хизмат қилаётир. Шу билан бирга, ҳар бир қонун ҳаётга мос тарзда такомиллаштириб борилиши зарур. Мазкур қонун юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Тошкент ва Жиззах вилоятларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари, фермерлар, ҳокимликлар вакиллари, банк, солиқ ходимлари иштирокида ўтказилган сўровномада иштирокчиларнинг аксарияти мазкур қонунни такомиллаштириш лозимлигини билдирган. Тадбиркорлар фикрича, кредит бериш жараёнини соддалаштириш, муддатини узайтириш, гаровга қўйиладиган мулк турларини кенгайтириш, кредитлар ҳақида оммавий ахборот воситаларида мунтазам маълумотлар бериб бориш керак.

Тадбирда мониторинг натижалари билан бирга, тадбиркорлар ҳуқуқий ҳимояси борасида олиб борилаётган ишлар, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси, Божхона қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва бошқа тегишли идоралар томонидан бу борада олиб борилаётган ишлар, статистик ва бошқа маълумотлар таҳлил этилди.

Йиғилишда қонунни ана шу нуқтаи назардан янада такомиллаштириш, бу борада тегишли ташкилий-амалий масалаларни ҳал этиш ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимояси бўйича илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# «САМАРҚАНДГА, ТЕМУР ДАВРИГА САЁҲАТ»




***Парижда Темурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганиш бўйича ассоциациянинг асосчиси ва президенти, профессор Люсьен Керен қаламига мансуб "Самарқандга, Темур даврига саёҳат" китоб-альбомининг учинчи нашри босмадан чиқди.***

Л.Керен 1996 йилда ЮНЕСКОнинг бош қароргоҳида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш доирасида ташкил этилган турли мамлакатлар темуршунослари иштирокидаги халқаро конференция ҳамда "Темурийлар даврида фан, маданият ва таълим тараққиёти" ҳафталигини тайёрлаш ва ўтказишда фаол иштирок этган таниқли жамоат арбобидир. Ўша йили Л.Керен Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фармонига биноан "Шуҳрат" медали билан тақдирланган эди.

Бу асар Л.Кереннинг Соҳибқирон ҳақидаги иккинчи китобидир. "Темур ва унинг салтанати" деб аталган биринчи китоб Швейцарияда 1978 йили нашр этилган эди. Бу китоб кейинчалик бир неча бор кўп минг нусхада, шу жумладан Франция ва Ўзбекистонда чоп этилди. Мамлакатимизда у 1999 йилда ўзбек тилида "Амир Темур давлати" номи билан китобхонлар қўлига тегди.

"Самарқандга, Темур даврига саёҳат" китоби ЮНЕСКОнинг "Ипак йўли — мулоқот йўли" дастурига мувофиқ ёзилди ва нашрга тайёрланди. Унинг учинчи нашри Франциянинг машҳур "Imprimeri Nationale" нашриёти томонидан амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда).

# Зиёратгоҳлар эл назарида



*«Халқ сўзи»га жавоб берадилар*

**Газетамизнинг шу йил 27 июль сонида «Зиёратгоҳлар тараққиёт хизматидами?» сарлавҳали таҳлилий мақола чоп этилган бўлиб, унда республикамиздаги мавжуд муқаддас қадамжоларда учрайдиган айрим камчилик ва нуқсонлар хусусида фикр билдирилган эди. Мазкур мақола юзасидан таҳририятимизга айрим ташкилот ва ҳокимликлардан расмий жавоблар келди.**

«Зиёратгоҳга бориш, у ерда ётган улуғ зотларни ёдга олиб, руҳини шод қилиш учун аввало ана шу аллома ва уламолар ҳақида етарли маълумотга эга бўлиш, уларнинг маънавий меросини ўрганиш лозим. Бу зиёратчи учун янада кўпроқ руҳий озуқа олишга сабаб бўлади. Шу мақсадда, ҳозирги кунда Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан зиёратгоҳ нозирлиги вазифасига малакали, етарли диний ва дунёвий билимга эга бўлган мутахассисларни тайинлаш жараёни давом этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги қарорига асосан Ўзбекистон мусулмонлари идораси қошида махсус жамғарма ташкил этилган. Юртимиздаги юзга яқин зиёратгоҳлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасига ўз маблағларини ўтказиб келмоқдалар. Улар хайрия ишларига мақсадли сарф қилинмоқда. Жорий йил идорамиз тасарруфидаги зиёратгоҳлардан тушган 90 миллион сўм маблағ болалар, ногиронлар, қариялар уйлари, кўзи ожизлар жамиятига ҳамда мактаб, боғча ва шифохоналарни таъмирлаш ишларига сарфланди. Ушбу тадбирлар фуқароларимиз фаровонлиги, Ватанимиз равнақи, шунингдек, динимиз ривожи йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлардандир.

**И.АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси махсус жамғармаси раиси».**

* * *

«Шу йил бошида Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Сурхондарё вилояти ҳокимининг қарори қабул қилиниб, шу асосда дастур тасдиқланган эди. Унга кўра, вилоятдаги барча қабристонлар, зиёратгоҳлар ва тарихий обидалар атрофларини ободонлаштириш, уларни таъмирлаш ишлари белгиланиб, бугунги кунда 30,0 млн. сўмдан ортиқ ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Вилоятдаги барча қабристонлар девор ёки сим тўрлар билан ўралиб, улардан яйлов сифатида фойдаланмаслик, зиёратгоҳларнинг қаровсиз қолиб кетмаслиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, махсус гуруҳ тузилиб, вилоятда фаолият кўрсатаётган 97 та масжидларнинг техник ҳолати ўрганиб чиқилди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, шарт-шароитларини яхшилаш, атрофларини ободонлаштириш бўйича амалий ишлар олиб борилди ҳамда ёнғин хавфсизлигига қарши жиҳозлар билан таъминланди. Барча туман ҳокимликлари томонидан мақолада келтирилган камчиликлар кенгайтирилган йиғилишда муҳокама қилиниб, уларнинг вилоятда такрорланмаслиги юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

**П.ТАНГРИЕВ,**
**Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари».**

* * *

«Мазкур мақолада республикамизда мавжуд зиёратгоҳларда учрайдиган айрим камчиликлар, жумладан, майда тижоратчилик каби ҳодисаларнинг учраб туриши тўғрисида фикр юритилган. Бухоро вилояти ҳудудида жойлашган муқаддас қадамжоларда бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида кенг қамровли дастур қабул қилиниб, ижроси қатъий назоратга олинди.

Шунингдек, мақола юзасидан вилоятнинг Пешку, Ғиждувон, Шофиркон, Ромитан, Олот туманларида кенгайтирилган йиғилишлар, давра суҳбатлари ҳамда аҳолининг турли қатламлари билан учрашувлар ўтказилди. Тадбирлар давомида зиёратгоҳларда учрайдиган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича бажарилиши лозим бўлган ишлар кўлами белгиланиб, вилоятнинг қолган шаҳар ва туманларида ҳам бу йўналишдаги ишлар давом эттирилади.

**О.ЖУМАЕВ,**
**Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари».**

* * *

«Мақола туман ҳокимлигида ўтказилган ташкилот, корхоналар ҳамда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарлари иштирокидаги йиғилишда муҳокама қилинди. Имом Бухорий зиёратгоҳи ҳудудидаги Хўжа Исмойил маҳалла фуқаролар йиғини, Пайариқ туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман ички ишлар бўлимларига зиёратга келган меҳмонлардан хайр-садақа сўраб, уларнинг йўлини тўсувчи кимсалар ҳамда майда тижоратчиларни тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

**З.ЖАМОЛОВ,**
**Пайариқ тумани ҳокими ўринбосари».**

## Битта гап

**Жозеф ГОЛЬДБЛАД,**
**Тинчлик муаммоларини тадқиқ қилиш бўйича Халқаро институт вице-президенти:**

Мен Ўзбекистон, унинг тарихи, тараққиёти, мамлакатингиз ила алоқаларим тўғрисида жуда кўп ва жону дилим билан гапиришим мумкин. Ўзим Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентда ва Фарғонада истиқомат қилганман. Ўша оғир йилларда фақат ўзбек халқининг саховати ва бағрикенглиги туфайлигина омон қолганман.

## Фармон ва ижро

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги "Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Фармонининг аҳамияти шундаки, бу ҳужжат мамлакатимизда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳамда замин билан боғлиқ мулкчилик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган. Мухбиримизнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармасининг бошлиғи, юридик фанлари номзоди У. АЮБОВ билан суҳбати шу хусусда.*

# ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ: ДОИМИЙ, МУДДАТЛИ, ИЖАРА АСОСИДА

**— Улуғбек Тўлаганович, Ўзбекистонда ердан фойдаланиш ҳуқуқи деганда, нималарни тушунамиз? Умуман, бу борада юридик ва жисмоний шахсларнинг қандай ҳуқуқлари мавжуд?**

— Ердан фойдаланиш ҳуқуқи — бу юридик ва жисмоний шахсларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мақсадларда ўз ер участкасига эга бўлиш, яъни ундан фойдаланиш бўйича субъектив ҳуқуқидир. Ушбу ҳуқуқ қонун билан белгиланган бўлиб, аслида уларнинг мазкур ҳуқуққа амалда эга бўлиши объектив ва субъектив шароитларга боғлиқ. Объектив шароит деганда, тақсимланиши мумкин бўлган ер участкаларининг мавжудлиги, субъектив шароит деганда эса, ер участкасини олишга даъвогар шахс маълум бир талабларга жавоб бериши тушунилади. Масалан, фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини олмоқчи бўлган шахс танлов шартларига жавоб бериши лозим.

Бизда амалдаги қонун ҳужжатларига асосан, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бир неча турлари белгиланган. Ҳар бири муайян субъектга (кимга), ер қайси тоифадан ва қандай мақсадларда берилиши билан боғлиқ. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 17-моддасига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар доимий эгалик қилиш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин. Бундан ташқари, ўзганинг ер участкасидан сервитут асосида фойдаланиш ҳам кўзда тутилган.

**— Энди шулар ҳақида батафсилроқ тушунча бериб ўтсангиз?**

— Айтайлик, доимий эгалик қилишга – ер юридик шахсларга қишлоқ ва ўрмон хўжалиги юритиш учун берилса, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга — фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш, якка тартибда уй-жой қуриш, уй-жойни ободонлаштириш ҳамда жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш, доимий ёки муддатли (вақтинча) фойдаланишга – юридик ва жисмоний шахсларга барча тоифадаги ерлардан аниқ мақсадда фойдаланиш, ижарага – юридик ва жисмоний шахсларга барча тоифадаги ерлардан аниқ мақсадда, ижара шартномаси асосида фойдаланиш, шу жумладан, фермер хўжалигини йўлга қўйиш учун, хусусий мулкка – юридик ва жисмоний шахсларга савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда берилиши мумкин.

Бироқ, шуни унутмаслик керакки, ер участкаларининг муддатли ва ижарага берилиши улардан вақтинча фойдаланиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 20-моддасига асосан, ер участкаларидан муддатли фойдаланиш қисқа муддатли — уч йилгача ва узоқ муддатли — уч йилдан ўн йилгача бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш зарурати тақозо этганда эса, бу муддатлар тегишли равишда қисқа муддатли ёки узоқ муддатли вақтинча фойдаланиш муддатларидан ортиқ бўлмаган даврга узайтирилиши мумкин. Аммо Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24-моддасида ижара муддатлари, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ижарасини истисно қилганда, чегараланмаган. Бу тоифадаги ерлар эса ижарага эллик йилгача бўлган, бироқ ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши мумкин.

**— Ердан фойдаланишнинг яна бир тури, яъни ўзганинг ер участкасидан сервитут асосида фойдаланиш қайси маънони англатади?**

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 173-моддаси, Ер кодексининг 30-моддасига кўра, сервитут маълум муддатга ёки муддатсиз (доимий) белгиланиши мумкин. Аниқроғи, сервитут қўшни бўлган бир ёки бир неча ер участкаларига нисбатан шартнома асосида, агар қўшнилар шартнома шартлари бўйича келиша ололмасалар, суднинг қарори билан белгиланади.

Шуларга асосан, ердан фойдаланиш турлари унинг объекти, субъекти, фойдаланиш мақсадлари ва муддатлари билан фарқланади. Шу билан бирга, Фуқаролик кодексининг нормаларига биноан, ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ашъёвий (доимий эгалик қилиш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, мулк ҳамда сервитут) ва мажбурият ҳуқуқларига (ижара, вақтинча фойдаланиш) бўлинади.

***— Ер эгалари, ундан фойдаланувчиларнинг бошқа мажбуриятлари ҳам борми?***

— Албатта. Улар, шу жумладан, ижарачилар ҳамда мулкдорлар ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик; ерларни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган туркум тадбирларни амалга ошириш; қурилиш, ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият натижасида бузилган ерларни ўз ҳисобидан қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва бошқа белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш ва бошқа мажбуриятларни бажаришлари лозим. Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчиларга эса, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 48-моддасига мувофиқ, қўшимча мажбуриятлар ҳам юклатилган.

Кўриниб турибдики, ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар мазмунан бир-биридан кескин фарқланмайди. Фақат ер участкасига мулк ва ижара ҳуқуқлари бундан мустаснодир. Масалан, мулк ҳуқуқи субъектларига ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар кенгроқ берилган. Негаки, мулк ҳуқуқи асосида берилган ер участкалари фуқаролик муомаласига киритилган бўлиб, улар олди-сотди, ҳадя, гаров, мерос айирбошлаш каби битимларнинг объекти бўлиши мумкин.

Ижара ҳуқуқи эса, бошқа ер участкаларига бўлган ҳуқуқлардан бекор қилинишида фуқаролик ҳуқуқи қоидаларининг қўлланилиши, айнан шартномани бекор қилишда ижарачининг ўзига хос ҳуқуқлари билан фарқланади.

**— Мамлакатимизда ер участкаларига хусусий мулк ҳуқуқи қачон жорий қилинган?**

— Биласиз, ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқининг жорий қилиниши бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан биридир. Кўчмас мулк бозорини шакллантириш, гаров, шу жумладан, ипотека орқали кредитларнинг қайтарилиши таъминланадиган кредит муносабатларини ривожлантириш ер участкаларининг муомалага киритилишини тақозо этади.

Бунда ер участкалари фуқаролик ҳуқуқий битимларнинг объекти ҳисобланиб, улар юзасидан олди-сотди, ҳадя ва бошқа шартномаларни тузиш мумкин бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ер участкаларига хусусий мулк ҳуқуқи институти дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги "Иқтисодийислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан киритилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 5 январдаги "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида"ги, 1995 йил 14 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасидаги дипломатия ваколатхоналари ва халқаро ташкилотларнинг иш шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонларида ҳам ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқи масалалари белгилаб қўйилган.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг мулк ҳуқуқига оид талаблари кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг "Ер тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексининг 18-моддасида ҳам ўз аксини топди.

**— Президентимизнинг 2006 йил 24 июлдаги "Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Фармонининг аҳамияти нималардан иборат?**

— Ушбу Фармоннинг қабул қилиниши ер қонунчилигини такомиллаштиришда, юридик ва жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли ер участкаларининг сатҳини оширишда муҳим босқич ҳисобланади. Унга асосан, хусусий қилиб бериладиган ер участкаларининг доираси кескин кенгайтирилади. Бу, албатта, бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб беради. Нега деганда, хусуйлаштирилган ер участкалари кўчмас мулкнинг тури сифатида фуқаролик муомаласига киритилади, хусусан, гаровнинг тури бўлмиш ипотека муносабатларини ривожлантиришга, бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга кредитлаштиришни кенгайтиришга йўл очиб беради.

**— Мазкур Фармонга мувофиқ, қайси ер участкаларини хусусийлаштириш мумкин?**

— Аввало, юридик шахслар — резидентларга мулкий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари жойлашган, шунингдек, шаҳарсозлик норма ва қоидаларига, қўлланиладиган технологик жараёнларга мувофиқ ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун мазкур объектларга туташ ерлардан зарур бўлган миқдордаги ер участкалари, қолаверса, фуқаролар якка тартибда қурилган уй-жой ва турар жой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкалари ва якка тартибда уй-жой қуриш учун «Кимошди» савдосида сотиб олинадиган ер участкалари хусусийлаштирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юридик шахслар ва фуқароларга тегишли бўлган бинолар билан банд бўлган ер участкаларини ихтиёрий равишда хусусийлаштириш тамойили белгиланган. Демак, эгаллаб турган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қарор тегишли ваколатли орган томонидан фақат юридик шахслар ва фуқароларнинг ихтиёрий равишда билдирилган мурожаатларига асосан қабул қилиниши мумкин.

Юридик шахслар фойдаланаётган ер участкаларини хусусийлаштириш 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб бир йил давом этади.

**— Фармонда Адлия вазирлигига бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда ер участкаларини хусусийлаштиришга оид топшириқлар ҳам берилган. Бу топшириқларнинг мазмун-моҳияти хусусида нималар дея оласиз?**

— Фармон биринчи галда ер қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган. Шу маънода, юридик шахсларнинг мулкий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган бино ва иншоотлари, инфратузилма объектлари жойлашган ва уларга туташган ер участкалари ҳамда фуқароларнинг якка тартибда қурилган уй-жой ва турар жой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш, шунингдек, якка тартибда уй-жой қуриш учун «Кимошди» савдосида ер участкаларини фуқароларга хусусий мулк қилиб сотиш ўзига хос тартибда амалга оширилиши лозим. Шунинг учун мазкур Фармон талабларини амалга ошириш учун юқорида қайд этилган ер участкаларини хусусийлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилиб, улар амалиётга жорий этилиши керак.

**«Халқ сўзи» мухбири Икром ЎТБОСАРОВ суҳбатлашди.**

# «САМАРҚАНДГА, ТЕМУР ДАВРИГА САЁҲАТ»

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Китобни яратишда Кастилия қиролининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг француз тилига таржима қилинган Амир Темур давлати пойтахти Самарқандга саёҳатига бағишланган кундалиги асос қилиб олинган.

Испан дипломатининг тарихий далилларга асосланган ушбу қайдларида Амир Темур ўз даврининг ҳақиқий қаҳрамони, миллатнинг ҳақиқий етакчиси, фавқулодда буюк шахс сифатида тасвирланади. Китобда тарихий ҳужжатлар таҳлили асосида, тарихий хронографияга риоя этган ҳолда Амир Темурнинг ўз давлатини шакллантириш, ривожлантириш ва мустаҳкамлашдаги мислсиз хизматлари кўрсатиб берилади. Европа мамлакатлари билан дипломатик ва савдо муносабатларини ўрнатиши ҳақида ҳикоя қилинади. Унда Амир Темурнинг ўша давр Европа қироллари, шу жумладан Кастилия қироли Энрике III билан ёзишмаларига кенг ўрин берилган, Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VI га йўллаган хатларининг фотонусхалари келтирилган. Улар Амир Темурнинг буюк давлат арбоби, шавкатли саркарда, моҳир дипломат, нозик таъб санъат ва фан раҳнамоси сифатидаги қобилиятлари ҳақида хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Бундан ташқари, китобда Темурийлар сулоласининг буюк вакиллари ҳаёти ва фаолиятига махсус бўлимлар бағишланган. Бобур ва унинг Ҳиндистондаги ҳукмронлик даврига алоҳида боб ажратилган.

Олимлар — Амир Темурнинг замондошлари, масалан, Соҳибқирон билан унинг Сурияга юриши даврида учрашган араб тарихчиси Ибн Холдуннинг фикрича, Темур беқиёс тафаккур соҳиби бўлган, доимо янгиликка интилган, билим ва тажрибасини амалда қўллашга ҳаракат қилган. Забт этилган барча давлатларда маданият, санъат ва фан ривожига катта эътибор қаратган.

Профессор Л.Керен: "Сурия кутубхоналарида ишлаётганимда китоблардан бирида Темур Исонинг минораси ва Хумаинлар масжидини буздириб ташлаган эмиш, деган гапларни ўқиб қолдим. Аммо бу иншоотлар ҳозиргача бус-бутун турибди. Душманлар атайлаб бундай ёлғонларни тарқатиб, Темур ҳақида салбий фикр туғдиришга ҳаракат қилган", деб ёзади таассуф билан.

"Самарқандга, Темур даврига саёҳат" китоби мутахассислар ва танқидчилар томонидан юқори баҳоланган, Темурийлар даврига бағишланган Европа нашрлари орасида энг яхшиси деб тан олинган.

Таъкидлаш жоизки, китоб муаллифининг муваффақияти бежиз эмас. Л.Керен ўз ҳаётининг 35 йилини Темурийлар даврини ўрганишга бағишлади, бу борада жуда кўп янги маълумотлар тўплади.

Соҳибқирон сиймоси ва Темурийлар даврига қизиқиш француз олимида 1951 йили, у Сорбонна университетини тугаллаб, олий маълумотли кимёгар сифатида Бразилияга ишга борган йиллари уйғонган эди. Ўшанда унга россиялик муҳожирлардан бири бетакрор Самарқанд шаҳрини бунёд этган Амир Темур ҳақида сўзлаб берганди. Ёш олимда ушбу буюк тарихий шахсга катта ҳурмат-эҳтиром уйғонади. Люсьен Рио-де-Жанейронинг машҳур кутубхоналаридаги узоқ изланишлардан сўнг ниҳоят Португалия қироли Бразилия ҳукуматига совға қилган "Зафарнома" китобини топишга муваффақ бўлади.

1961 йилда Л.Керен ЮНЕСКО дастури бўйича Ўзбекистонга республика ирригация иншоотларини ўрганиш учун олимлар гуруҳи таркибида келади. Унинг эзгу орзуси ушалади — илк бор Самарқандни, Амир Темур мақбарасини зиёрат қилади...

"У пайтда ўзбекларнинг уйида меҳмон бўлганимда Амир Темур ҳақида кўп гапирилмасди, аммо мен ҳар доим уларнинг қалбидаги ҳаяжонни ҳис этардим ва бунинг сабабини тушунмасдим, — деб хотирлайди Л.Керен. — Ниҳоят, менинг орзуим ушалди ва мен Самарқандни кўриш бахтига муяссар бўлдим. Бу ердаги маҳобатли иншоотларни кўриб лол қолдим. Эшитганларимдан кўрганларим минг карра ортиқ бўлиб чиқди. Шуни англаб етдимки, бундай муҳташам саройлар ва мақбараларни фақат буюк давлатда, фақат доно йўлбошчи раҳнамолигида барпо этиш мумкин".

"Самарқандга, Темур даврига саёҳат" китобининг учинчи нашри унинг китобхонлар орасида кенг оммалашганидан далолат беради ва у Европа китобхонларида улуғ бобокалонимиз, буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур шахсига катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

**(ЎзА).**

## Фотоасарларда Хитой манзаралари

***Тошкент фото уйида очилган "Ўзбек suratкашлари ижодида — Хитой" кўргазмаси ХХР ташкил топганлигининг 57 йиллигига бағишланди.***

Кўргазмага қўйилган асарларда улкан тарихга эга бўлган Хитойнинг гўзал табиати, асрларга тенг маданияти ҳамда бугунги куни кенг акс этган. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент фото уйи Хитой суратчилар ассоциацияси билан ҳамкорликда сўнгги йилларда кўплаб лойиҳаларини амалга ошириб келмоқда. Янги кўргазма мазкур лойиҳалар иштирокчилари бўлмиш Турсун Али, Раҳмонбек Исломов, Владимир Жирнов, Шаҳноза Усмон каби муаллифларнинг сара асарларидан ташкил топган. Суратларда Хитой табиат манзараси мавзуси етакчилик қилади.

"Ўзбек сураткашлари ижодида — Хитой" кўргазмаси очилишида Хитойнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Хунцзюнь қатнашди. Кўргазма 10 октябргача давом этади.

**Ю. РИЗАЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига

*Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи тобора яқинлашмоқда. Шаҳар аҳли бу қутлуғ санани муносиб нишонлаш учун астойдил тайёргарлик кўрмоқда. Кўча ва хиёбонларни кезган, замонавий қурилишлар ва меъморий обидаларга назар ташлаган ҳар бир киши буни яққол ҳис этади.*

*Кейинги икки йил мобайнида шаҳар катта қурилиш майдонига айланган эди. Ҳозирга келиб, кўплаб бино ва иншоотларда қурилиш ишлари тугалланди, катта ҳажмда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушлари бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 июлдаги «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган вазифаларнинг рўёбга чиқарилиши натижасида кўҳна Насаф янада яшариб, янги замонавий қиёфа касб этди. Буни қурилиш, ободонлаштириш ишлари иштирокчилари, жамоатчилик вакилларининг сўзларидан ҳам билиб олса бўлади.*



«Нуристон» академик лицейи биноси энг сўнгги архитектура ютуқлари асосида қурилган.
**Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# КЎҲНА НАСАФНИНГ НУРЛИ ЖАМОЛИ

**Одил ШУКУРОВ, Қарши шаҳридаги «Аср архитектураси» масъулияти чекланган жамияти раиси:**

— Кейинги йилларда шаҳримизда амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишларининг кўламини бир қарашда қамраб олиш қийин. Шаҳар бутунлай қайтадан шакллантирилмоқда, десам муболаға бўлмайди. Одатда, бундай пайтда «Ҳа бўл, ҳа бўл!» деган талаб туфайли айрим жузъий хатоларга ҳам йўл қўйилади, бугунги иш эртага тўғри келмай қолади. Меъморчилик эса шошма-шошарликни ёқтирмайди. Шунинг учун шаҳарнинг ҳозирги кун талаби даражасидаги янги қиёфасини яратиш устида меъморлар, қурувчилар, қадимшунослар ҳамкорликда иш олиб боришаяпти. Шаҳарнинг бош режасига киритиладиган ҳар бир ўзгариш атрофлича муҳокама қилиниб, кейин қабул қилинаяпти.



Қарши Олимпия захиралари спорт коллежи бугун шаҳар кўркини очган ажойиб иншоотлардан биридир.

Бунинг сабаби бор. Бундан 7-8 йил аввал Қарши шаҳрининг тарихий марказини ободонлаштиришга киришилган эди. Ҳеч қандай ҳужжатсиз, маҳаллий раҳбарларнинг оғзаки кўрсатмаси бўйича иш қилинди. Қурилиш-меъморчилик қоидалари қўпол равишда бузилганлиги учун «қурилиш битди» деганда, тупроқ чўкиб, иш чиппакка чиқди. «Сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади», деган гап бежизга айтилмаган. Ҳозир ҳар бир объект учун бир неча лойиҳа тайёрланиб, энг яхшиси танлаб олинаяпти.

Шу билан бирга, мени ўйлантираётган бир муаммо ҳам бор. Тўғри, шаҳарда бир-биридан гўзал бинолар қурилаяпти. Лекин уларнинг ҳаммасида пештоқлар бир хил рангли тунука материаллари билан қопланаяпти. Замонавий услуб устувор бўлгани яхши. Бироқ меъморчиликда миллийликни ҳам сақлаб қолиш керак. Айниқса, Қаршидек қадимий шаҳарларда тарихий обидалар билан янги биноларнинг меъморий уйғунлигини таъминлаш жуда муҳим. Биз тайёрлаётган лойиҳаларда масаланинг шу томонига алоҳида эътибор бераяпмиз.

**Исмоил ҳожи РАЙҲОНОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг вилоятдаги вакили, «Кўкгумбаз» жомеъ масжиди имом-хатиби:**

— Бугун шаҳримизда амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш, ободончилик ишларини кўриб, кўз қувонади. Айниқса, обидалар, масжиду мадрасаларни таъмирлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни айтмайсизми?! Бир вақтлар халқимизни ўтмишидан, тарихидан мосуво қилиш мақсадида вайрон қилинган бу қадимий ёдгорликлар бугун қайтадан юз очмоқда. Оллоҳга беадад шукрлар ва ҳамду санолар бўлсинким, бизга ҳурриятни Ислом Каримовдек жасур, матонатли, донишманд Юртбошини берди. Тилимиз, динимиз, маънавиятимиз, азалий қадриятларимизни ўзимизга қайтариш учун у кишининг қанчалик жон куйдирганлигини яхши биламиз. Тарихий обидаларни таъмирлаш, зиёратгоҳларни обод қилиш ишларига ҳам Президентимиз бош-қош бўлмоқда. Биргина бизнинг «Кўкгумбаз» жомеъ масжидимизни таъмирлашга 1 миллиард 750 миллион сўм маблағ сарфланди. Илгари масжид майдони аҳолига уй-жой қуриш учун бериб юборилганлиги натижасида «Кўкгумбаз» кичик саҳнли торгина номозгоҳга айланиб қолган эди. Эндиликда масжид майдони тўлиқ очилиб, ободонлаштирилди, миллий услубдаги жуда катта айвон қурилди, номоз амалларини бажариш учун зарур бўлган барча шароит яратилди.

Шу ўринда бир нарса ёдимга тушади. Бир вақтлар масжид биноси жиддий таъмирга муҳтож бўлиб қолганда, шу ишни амалга оширадиган уста тополмай қийналган эдик. Ҳозир миллий услубда ишлайдиган усталар кўпайган. Уларнинг қўлидан чиққан жимжимадор устунлару ранг-баранг кошинлар қадимгиларидан сира қолишмайди. Лекин бу нозик услуб фақат тарихий ёдгорликларни таъмирлашда фойдаланилиши керакми? Янги бинолар қурилишида ҳам миллий услубни уйғунлаштириш мумкин. Ана ўшанда шаҳарларимиз шарқона, ўзбекона қиёфа касб этарди.

**Исом ЖАЛИЛОВ, меҳнат фахрийси:**

— Икки йил аввалги Қарши шаҳри менинг кўз ўнгимда шаклланган. Унинг кўчалари, биноларини режалаштириш, лойиҳалаштиришда иштирок этганман. Шаҳарнинг у бошидан бу бошигача борадиган марказий кўча бизнинг фахримиз бўлган. Барча катта-кичик идоралар шу кўчада жойлашган эди. Бугун замон ўзгарди, меъморчилик ва қурилишга талаб ҳам бошқа. Илгариги гугурт қутисидай бир-бирига ўхшаш уйлар ўрнида қарасак кўзни қувонтирадиган замонавий бинолар қад ростлаяпти. Марказий кўча ҳам торлик қилиб қолди. Уни кенгайтириш учун эса йўл четидаги уйларни бузиш, дарахтларни кесишга тўғри келаяпти. Албатта, бундан 40-50 йил олдин экилган дарахтлардан воз кечиш оғир. Одамларни кўп йиллар яшаган уйларидан кўчириш, айниқса, марказий кўча ёқасидаги ҳовлидан кўп қаватли уйга кўчишга рози қилиш осон эмас. Лекин шаҳар раҳбарлари иложини топишаяпти. Бунинг устига, одамларнинг ўзи ҳам кенг ва равон йўллар шаҳарнинг чиройини очаётганини кўриб турибди. «Юртни йўл безайди», деб бежизга айтишмаган, ахир. Шаҳримиз ўзининг катта тўйига ҳар қачонгидан ҳам обод, чиройли бўлиб келгани яхши-да.

Ҳа, Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига тайёргарлик ишларининг якунловчи босқичи бошланди. Қурувчилар шаҳар марказидаги «Ўзбекистон» кўчаси, марказий истироҳат боғи, амфитеатр, бош майдон каби йирик объектларда ишни тезроқ тугаллаш учун кечаю кундуз тиним билмай меҳнат қилишмоқда. Қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг суръати ва сифатини ишчи комиссияси мунтазам назорат қилиб турибди. Бу ишлар ниҳоясига етгач, кўҳна Насаф юбилей тантаналарига келадиган кўп сонли меҳмонларни ўзининг такрорланмас бугунги замонавий жамоли билан кутиб олади.

**Б.НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Зобитлар қайтиб келди

27 сентябрь куни Грузия томонидан жосусликда айбланиб ҳибсга олинган Россия армияси зобитлари ватанига қайтиб келди. Улар суд қарори билан 2 ойга ҳибсга олинган эди. Россия 3 октябрь соат 00:00 дан бошлаб Грузия билан авиация, темир йўл, денгиз, автомобиль ва почта алоқаларини бутунлай тўхтатди. Шундан сўнг Грузия томони зобитларни қўйиб юборишга қарор қилди. Расмий Кремль баёнотига кўра, Грузиянинг эндиги ҳаракатлари бефойда ва санкциялар ҳали-бери тўхтатилмайди. Айни пайтда можарога АҚШ давлат департаменти ва ЕХҲТ ҳам аралаша бошлади. АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё бўйича ёрдамчиси Дэниел Фрид россиялик зобитлар қайтарилган ҳозирги ҳолатда можарони тўлалигича ҳал этиш мумкин дея баёнот берган.

Россия давлат органлари алоқалар сиёсий эмас, балки бошқа сабабларга кўра тўхтатилганини таъкидламоқда. Жумладан, «Айни пайтда Россиянинг ҳаво кенгликларидан фойдаланганлик учун Грузиянинг қарзи 3,6 миллион доллардан ошиб кетди», деди Росаэронавигация раҳбари Александр Нерадько.

# ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## «Қора қути» топилди



Agency France Press хабарига кўра, Бразилиянинг Мато Гроссо штатида ҳалокатга учраган Boeing-737-800 самолётининг «қора қути»лари топилди. Ундаги маълумотларни ўрганиш ҳалокат сабабларини аниқлашга ёрдам беради. 29 сентябрь куни Бразилиянинг Gol авиакомпаниясига қарашли йўловчи самолёти ҳалокатга учраган, бортдаги 149 нафар йўловчи ва 6 нафар экипаж аъзоларининг барчаси ҳалок бўлганди. Айни пайтда ҳудудда қидирув ишлари давом эттирилмоқда. Дастлабки маълумотларга қараганда, Boeing 737-800 лайнери Excel Aiways компаниясига қарашли кичик ҳажмдаги Legacy 600 самолёти билан тўқнашув оқибатида қулаган. Legacy 600 қўнишга муваффақ бўлган ва унинг бортидаги йўловчилардан ҳеч кимга шикаст етмаган.

**БМТ ХКнинг бешта доимий аъзоси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош котиби лавозимига Жанубий Корея ташқи ишлар вазири Пан Ги Мун номзодини кўрсатди.**

## БМТ бош котиблигига номзод



«Дастлабки овоз бериш натижаларига кўра, Хавфсизлик Кенгаши Пан Ги Мун номзодини бир овоздан қўллаб-қувватлади», деди Хитой Халқ Республикасининг БМТдаги элчиси ўз интервьюсида. Қатарнинг БМТдаги вакилининг айтишича, ушбу номзодни ХКга аъзо 15 давлатнинг 14 таси қўллаб-қувватлаган. Сайловнинг кейинги босқичи БМТ Бош ассамблеясида бўлиб ўтади. Жанубий Корея вакилидан ташқари бу лавозимга Латвия президенти Вайра Вике-Фрейберг, ҳиндистонлик дипломат Шаши Тарур, Таиланднинг собиқ бош вазири Суракиарт Сатиратай, Иордания вакили Зайд Ҳусайн ва Афғонистоннинг собиқ молия вазири Ашраф Ғаний номзодлари кўрсатилган.

## Бош вазирга қарши... пичоқ билан

Лондонда Буюк Британия бош вазири Тони Блэр қароргоҳида пичоқ билан қуролланган шахс қўлга олинди. AFP хабарларига кўра, у Даунинг-стритда жойлашган қароргоҳнинг ҳимоя деворларидан ошиб ўтган. Бош вазир ҳаётига ҳеч қандай хавф туғилмади, чунки бино ичига кириш учун у яна бир ҳимоя тўсиғидан ўтиши керак эди, дейилади Sky News телеканали тарқатган хабарда. Дастлабки маълумотларга кўра, қуролланган шахс ҳеч қандай террорчилик ташкилоти билан алоқадор эмас.

**Туркиянинг Измир шаҳридаги кафелардан бирида юз берган портлашлар оқибатида камида 15 киши оғир жароҳатланди, деб хабар беради Reuters ахборот агентлиги.**

## Измирда портлаш

Дастлабки маълумотларга кўра, кафега иккита граната ташланган. Ҳозир воқеа содир бўлган ҳудуд полиция томонидан қуршаб олинди.

Жароҳатланганлар шифохоналарга етказилди. Полиция вакилларининг айтишича, портлашлар иккита жиноий гуруҳнинг ўзаро тортишувлари натижасида содир бўлган. Измир полицияси раҳбарининг сўзларига кўра, бу ҳаракат сиёсий мақсадларда амалга оширилмаган.

## Ҳукуматга сўнгги имконият

Венгриядаги мухолифатчилар ҳукуматга бош вазир Ференц Дюрчанни истеъфога чиқариш учун бир неча кун муҳлат берди. «Фидес» мухолифатчи партияси раҳбари Виктор Орбаннинг сўзларига қараганда, агар 5 октябрь соат 13 га қадар амалдаги бош вазир истеъфога чиқмаса, парламент биноси олдида оммавий намойишлар бошланади. Айни пайтда Дюрчань ўз ҳукуматига ишонч билдириш масаласи парламент муҳокамасига қўйилишини маълум қилди. Ҳозирча бу иш 6 октябрга режалаштирилмоқда. Аввалроқ, Дюрчань мухолифат талаби ва мамлакат президентининг мурожаатига қарамасдан, истеъфога чиқмаслигини айтганди.

## Бозор — юрт кўрки

*Бухоро — Шарқ гавҳари. Ундаги ҳар бир обида, ҳар бир тарихий кошона бизга ўтган кунларимиздан, мозийга туташ дамлардан сўйлаб тургандек. Уларга боққан сайин боққингиз келаверади. Ҳайратингиз ошиши ҳам табиий. Шу боисдан ҳам Бухорони ҳайратга лиқ тўла шаҳар десак ўринли бўлар.*

# «СОМОНИЙ»га туташар йўллар...

Ҳозир ҳам бу қутлуғ ва табаррук заминни тавоф этиш ниятини дилга тугиб, унинг ноёб осори-атиқаларини кўриш истагида бўлганлар оз эмас. Зиёратчилар, ташриф буюраётган меҳмонлар орасида нафақат ўзимизнинг юртдошларимиз, балки олис Европа давлатларидан, Узоқ Шарқу Марказий Африкадан, ҳатто Океан орти мамлакатларидан ҳам вакиллар бор.

Назаримизда шариф шаҳар довруғининг етти иқлимга таралишида Бухоронинг кўрки латофатига айланиб улгурган тўкин бозорларнинг ўрни ва мавкеи ҳам беқиёс. Бугун сизу бизни Бухорога етакловчи йўл борки, уларнинг бари ана шу мавзеларга туташиб кетади, албатта. Шариф шаҳарнинг қадимий ўзанида жойлашган «Шаҳристон» дейсизми, «Сомоний» деҳқон бозорию «Карвон» буюм бозори ёхуд «Ёпиқ бозор»ни дейсизми, қай бирини олманг, ҳамма-ҳаммаси катта магистраль йўллардан қўл узатса етгулик масофада жойлашганлиги эътиборга лойиқдир.

Юртбошимизнинг Бухоро сафари чоғида Буюк Ипак йўлида жойлашган мазкур воҳа бозорларини янада кўркам, обод, файзли, янада тўкин бўлиши хусусида билдирган таклиф ва мулоҳазалари, қимматли кўрсатмалари асосида бу ерда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Ҳаммасидан ҳам «Сомоний»даги ўзгаришлар кўзни қувонтиради. Кейинги икки-уч йил орасида «Сомоний» тамомила янгича қиёфа касб этди, десак муболаға бўлмас.

Илгари бу ерга дуч келган томондан кириб келса бўларди. Энди эса бозорнинг қатъий чегараси бор. Унинг сатҳи 9,5 гектар. Ўтган асрнинг 80-йилларида асос солинган деҳқон бозорида лоақал биттагина бўлса-да маҳобатли дарвоза йўқ эди. Айни чоғда эса дарвозалар учта бўлди.

Шарқ ва ғарб меъморчилик андозалари асосида усти ёпиқ, пештоқи жимжимадор безаклар билан безатилган ўртадаги бош дарвоза анча олисданоқ диққатингизни ўзига оҳанграбодек тортиши тайин. Ноёб санъат асари сингари мазкур иншоотдан кўз узгингиз келмайди.

— Шаҳар ичкарисига-ю атрофдаги туманларга қатнайдиган микроавтобуслар ҳамда йўналишли таксиларнинг шу дарвоза олдидаги бекатга келиб тўхташи айни муддао бўлди-да. Бу — маҳсулотини бозорда сотиб, қўшимча даромад олишни кўзлаган деҳқон учун ҳам, харидор учун ҳам қулайлик яратди, — дилидагини баён қилади ромитанлик Латиф бобо.

— Икки ён томон олд қисмида барпо этилган гулзорларга беш кетаман. Анвойи гуллар, дов-дарахтларни кўриб қувонасан, киши. Маржондай тизилган савдо дўконларини айтмайсизми, — гапга қўшилди иккинчи фуқаро. Сўраб-суриштирсак у киши олис Қоракўл туманидан экан. Исми шарифи — Раҳимбой Сотлиқов.

Биз махсус лойиҳа асосида «Сомоний» акциядорлик жамиятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига раҳнамолик қилаётган ташкилотчи раҳбар, жамият раиси Сайфулло ака Ҳикматовни ҳам шу ерда учратдик. Суҳбатимиз бозорнинг кечаги, ўтган кунлардаги ҳолатию бугунги қиёфаси ҳақида кечди.

— Аввало, шаҳар ҳокимлигига, қурилиш ташкилотларининг раҳбариятига, қўли гул қурувчиларга раҳмат. Ҳамкорликдаги изчил саъй-ҳаракатлар эвазига бозор ҳаётига дахлдор кўплаб муаммолар бартараф этилди. Автобуслар учун алоҳида, шахсий транспортлар ва мижозларга хизмат кўрсатувчи енгил таксилар учун алоҳида тўхташ жойларининг ташкил қилингани бозорга келувчи сотувчию харидор — барча кишилар учун яхши бўлди. Йўлнинг нариги четида, бош дарвоза рўпарасида қисқа фурсатда барпо этилган катта бекат ҳам бугун бозорга келиб-кетувчиларга хизмат қилаяпти. Ҳудудда экологик ҳолат яхшиланди. Транспорт воситаларининг шовқини сезилмас даражага тушди. Асосий ва ёрдамчи павильонларга мармар тошчалар билан безак берилди. Савдо расталари ҳам тамомила янгиланди.

Ҳукуматимизнинг бозорлар фаолиятини янада такомиллаштириш, хизмат кўрсатишни яхшилашга, ҳам сотувчи, ҳам маҳсулот харид қилиб олувчиларга қулайликлар яратиш борасидаги муҳим қарорларига жавобан «Сомоний»да 3 та минибанк шохобчаси, милиция ҳамда солиқ таянч пункти, тиббий хизмат кўрсатиш маскани, 20 нафар кишига мўлжалланган меҳмонхона, ветеринария ҳамда санитария назорат масканлари фаолияти ҳам изчил йўлга қўйилди.

Бозорнинг «Сомонийлар» истироҳат боғи томон юз тутиши, бу ерда янгидан барпо этилаётган озиқ-овқат, саноат моллари, турли буюмлар, уй-рўзғор жиҳозларини сотишга мўлжалланган дўконлар, гўшт сотиш расталари ишга туширилгач, харидору сотувчиларга мақбул қулайликлар яратилиши, савдо ва хизмат кўрсатиш маданияти ҳам шунга яраша яхшиланишини эшитиш мароқли эди. Шунингдек, «Сомоний»нинг Жанубий киришчиқиш қисмида улкан фаввора яратиш асносида теварак-атрофга микроиқлим муҳитини яратиш, Шимол томондаги «Маҳаллий саноат» тизимига қарашли корхонанинг ҳовлисидаги автобекатга сайқал бериш, Жондор ҳалқасидан то бозоргача чўзилган асосий магистраль йўлнинг икки томонида янгича қиёфадаги кўп қаватли маданий-маиший объектлар қурилишини жадаллаштириш юзасидан ҳам бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганлигини билиб олдик.

— Бозор ўрамидаги бунёдкорлик ишларида жамиятимизга қарашли махсус бўлинма қурувчилари ҳам фаол иштирок этмоқда. Уларнинг мадади билан 1100 ўринли усти берк янги савдо зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Банкдан қисқа муддатга олинган 10 млн. сўмлик кредит эвазига анча ишни уддалашга муваффақ бўлдик. Тез орада уни қайтариб, акциядорларимизга олинган фойданинг 60 фоизини дивиденд тариқасида тарқатамиз, — дейди раис.

Бозор маъмурияти Ҳомийлар ва шифокорлар йилида кўплаб савобли ва хайрли ишларнинг бошида турганлигидан ҳам воқиф бўлдик. Жумладан, мурувват уйларига ҳафтада бир маротаба хайрия тариқасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан тортиқ қилиш йўлга қўйилди. Шунингдек, вилоятдаги 27-сонли махсус болалар интернатмактабига, М.Ашрафий номли маҳалла фуқаролар йиғинига жамият томонидан салкам 2 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

«Сомоний»ни ихтисослаштириш ва ривожлантириш, унинг ҳам ички, ҳам ташқи қиёфасини замон талаблари асосида янгилаш борасидаги ишлар тўхтаган эмас. Тўхтаб қолмайди ҳам. У янгиланаётган Бухорога узукка қўйилган кўздек ярашиб турмоғи лозим...

**Усмон НАВРЎЗ,**
**журналист.**
Бухоро.




TIME

Ҳаётнинг бахтли сонияларини қадрланг!

| ХИЗМАТ РЕЖАЛАРИ | АБОНЕНТ ТЎЛОВИ | ЭФИР ВАҚТИ (1 ДАҚИҚА УЧУН) | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | КИРУВЧИ АЛОҚА | | ЧИҚУВЧИ АЛОҚА | |
| | | МТС-ЎЗБЕКИСТОН ТАРМОҒИ ИЧИДА | БОШҚА ТЕЛЕФОНЛАРДАН | МТС-ЎЗБЕКИСТОН ТАРМОҒИ ИЧИДА | ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА |
| TIME BASIC* | 0 | Бепул | 0,08 | 0,04 | 0,08 |
| TIME LIGHT** | 0,04 (кунига) | Бепул | 0,08 | 0,04 | 0,08 |

** Гаплашувнинг биринчи дақиқаси биринчи секунддан тўлиқ 1 дақиқагача йириклаштирилади, секундлик тарифлаш гаплашувнинг 61 секундидан бошланади.
** Барча гаплашувлар 1 секунддан бошлаб нархланади ва йириклаштирилмайди.

"TIME" системасида SIM-картани программалаштириш - 5 000 (беш минг) сўм.

Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
Нархларга барча солиқлар киритилган.
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Уздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади.
Хизматлар лицензияланган.

**БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ БИЛАН WWW.MTS.UZ САЙТИДА ТАНИШИШ МУМКИН**

МТС

**"LOK Kolor SINTEZ" ҚК**

ишлаб чиқарувчи - завод

кенг ассортиментда тақдим этади

**ЛАК-БЎЁҚ МАҲСУЛОТЛАРИ**

**САНОАТ ҲАМДА ҚУРИЛИШ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН**



ИНТЕРЬЕР УЧУН СУВЛИ ҚОПЛАМАЛАР
(девор ва шифтлар учун)
ФАСАД УЧУН ҚОПЛАМАЛАР
(пропитка, грунтовка, бўёқ)
универсал АЛКИДЛИ ЭМАЛЬ
пол учун ЭМАЛЬ
томлар ва юк вагонлари учун ЭМАЛЬ
сув ҳавзалари учун БЎЁҚЛАР
СУВГА ВА КИМЁВИЙ ТАЪСИРЛАРГА ЧИДАМЛИ
АКРИЛАТЛИ ҚОПЛАМАЛАР саноат ускуналари,
локомотив, қишлоқ хўжалиги ва йўл машиналари учун
йўл чизгилари учун БЎЁҚ
ёғоч ва бўялган юзалар учун (рангли ва рангсиз)
ЛАКЛАР, ҲИМОЯВИЙ ҚОПЛАМАЛАР (турли юзалар учун грунтовка, шпатлевка)



Шунингдек **АЛКИД СМОЛАСИ** (лак-бўёқ саноати учун мўлжалланган яримфабрикат лак)

Ушбу маҳсулотларни бизнинг **КОРХОНА МАГАЗИНИМИЗДАН** завод нархида сотиб олишингиз мумкин. Манзилимиз: «Фарғона йўли», 13/22.

**КОРХОНА 200 л. бочкаларни (металл, пластмасса) сотиб олади.**
**Маълумот учун тел. 191-44-46**

Ўзбекистон, 700005, Тошкент ш., «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22
Тел.: (998 71) 191-47-41, 191-80-94 Факс: (998 71) 191-74-63
E-mail: lokcolor_uz@mail.ru

# ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

## ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги ПҚ-407–сонли қарорига мувофиқ**

**“Ўзбеккўмир” очиқ акциядорлик жамиятининг 35,55 фоиз акциялар пакетини сотиш бўйича тендер ўтказилишини маълум қилади.**

Сотувга “Ўзбеккўмир” ОАЖ эмитенти томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 35,55 фоизини ташкил этувчи 1 045 853 дона оддий акциялар қўйилади.

Акция пакетининг бошланғич баҳоси — 30 579 800 АҚШ доллари. Тендерда “Ўзбеккўмир” ОАЖнинг 35,55 фоиз акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва корхонанинг инвестицион талабини ҳисобга олган ҳолда, инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган сармоядор устунликка эга бўлади. Корхонанинг инвестицион талаби 232 000 000 АҚШ долларини ташкил этади.

«Ўзбеккўмир» ОАЖ “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси таркибига киради ва Ўрта Осиёда кўмир қазиб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича энг йирик корхоналардан биридир. Корхона фаолиятининг асосий йўналиши — кўмир ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш ва қайта ишлашдир.

Тендерда иштирок этиш истагида бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Қизиқувчилар сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилга мурожаат этишлари мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер хужжатлари уларга тўлов амалга оширилгандан кейин ҳамда Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати жорий йилнинг 28 ноябрида Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.**

**Тендер таклифларининг очилиши жорий йилнинг 28 ноябрида Тошкент вақти билан соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси мажлислар зали (5- қават)да амалга оширилади.**

Тендер таклифларини очиш вақтида тендерда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

**Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:**

**Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:**

Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюроси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 700003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй,
Давлат мулки қўмитаси биноси, 15-01- хона.

Бош директор Саъдуллахон Ҳамидуллахонович Набихонов эътиборига.
Телефон: +998 71 139-22-23.
Факс: +998 71 139-21-42.
Эл. почта: eibb@tps.uz

3355R-1/1820

# INVITATION TO TENDER

## STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE PROPERTY TO THE FOREIGN INVESTORS

**hereby announces on the basis of the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan #PP-407 as of July 10, 2006**

**Public Tender for privatization sale of a 35.55% share package in Joint stock company “Uzbekko'mir”**

The Tender for JSC “Uzbekko'mir” is for the sale of 1,045,853 (one million forty five thousands eight hundred fifty three) shares of common stock constituting the aggregate of 35.55% of the Company's total issued shares. Starting bidding price of the pack of shares is not less than 30,579,800 (thirty million five hundred seventy nine thousands eight hundred) US dollars. At that, the preference will be given to the company ready tooffer the highest bid for the 35.55% of shares of the Companyand undertake the highest volume of investment obligations, based on the volume of enterprise's investment requirements. The investment needs of the Company constitute the amount of 232,000,000 (two hundred thirty two million) US dollars.

JSC “Uzbekko'mir” is a part of state joint stock company “Uzbekenergo” and is the largest enterprise on coal mining and refining in Central Asia. The main directions of enterprise activity are mining and refining of coal and other associated minerals.

Investors interested in participating in the Tender must submit a properly completed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact to the address given below.

The package of Bidding Documentation which includes Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon presenting to Enterprise Institution Building Bureau the filled in and signed Application and Confidentiality Statement along with a copy of the proof of payment.

**The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on the 28th of November 2006.**

**Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on the 28th of November 2006.**

Tender participants or their authorized representatives, which have submitted Tender Bids in accordance with established procedure, have the right to participate at the opening of the packages with Tender Bids.

***For all issues related to the tender, please contact:***

EIBB, Enterprise Institution Building Bureau
State Property Committee Bldg., room 15.01
Uzbekistanskaya ave., 55
700003 Tashkent, Uzbekistan
Attention: Mr. Sa'dullakhon Nabikhanov
Director General
Tel (+998 71) 139 22 23
Fax : (+998 71) 139 21 42
Email: eibb@tps.uz

3355R-2/1820

# ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

## ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги ПҚ-407-сонли қарорига мувофиқ, «Финам» (Россия) компаниясини молиявий маслаҳатчи сифатида жалб этган ҳолда**

**«ОНИКС» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 54,92% АКЦИЯЛАР ПАКЕТИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР ўтказилишини эълон қилади.**

«ОНИКС» ОАЖнинг корхона томонидан чиқарилган барча акцияларининг 54,92 (эллик тўрт бутун юздан тўқсон икки) фоизни ташкил этувчи 72 494 (етмиш икки минг тўрт юз тўқсон тўрт) дона оддий акциялари корхона фаолият турини сақлаган ҳолда сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси — 3 103 000 (уч миллион бир юз уч минг) АҚШ доллари. «ОНИКС» ОАЖнинг 54,92% акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва корхонанинг инвестицион талабини ҳисобга олган ҳолда, инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади. Корхонанинг инвестицион талаби 18 600 000 (ўн саккиз миллион олти юз минг) евро эквивалент қийматини ташкил қилади.

«ОНИКС» ОАЖ асосий фаолияти халқ истеъмол моллари: маиший ва идоралар учун мўлжалланган ёритгичлар, идишлар (биллур ва шишадан) ва электрон техника жиҳозлари ишлаб чиқаришдан иборат.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда маҳфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилларнинг бирига мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2006 йил 28 ноябрда Тошкент вақти билан 12.00да тугайди.**

**Тендер таклифларини очиш 2006 йил 28 ноябрда Тошкент вақти билан 15.00да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар зали (5-қават)да бўлиб ўтади.**

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

**Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат этишингизни сўраймиз:**

***Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:***

Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент шаҳри, 700003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй,
Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.
Бош директор
Фозилжонов Эркинжон Собиржон ўғли эътиборига.
Телефон: +998 (71) 139-22-51.
Факс: +998 (71) 139-22-79.
Эл. почта: ccpbuz@tps.uz

***Молиявий маслаҳатчи:***

«ФИНАМ» инвестицион компанияси,
Россия Федерацияси, Москва шаҳри,
103045, Даев тор кўчаси, 20-уй,
«Даев-Плаза» бизнес маркази, 2.16-офис.
Лойиҳа раҳбари
Харченко Сергей Игорьевич эътиборига.
Телефон: +7 (495) 204-81-52.
Факс: +7 (495) 204-81-07.
Эл. почта: kharchenko@finam.ru

3354R-1/1820

# INVITATION TO TENDER

## STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

**based on the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan #PP-407 dated July 10, 2006 and with the participation of the FINAM (Russia) as the Financial Advisor, hereby announces**

**the Open Tender for Privatization Sale of the 54,92% Share Package of Joint Stock Company “ONIKS”**

72,494 (seventy two thousand four hundred ninety four) shares of common stock of JSC “ONIKS” constituting the aggregate of 54.92% of the Company's total issued shares are being offered for sale conditional on preserving the production profile of the enterprise. Starting bidding price for the said package of shares is not less than 3,103,000 (three million one hundred three thousand) US Dollars. At that, the preference will be given to the company ready to offer the highest bid for the 54.92% of shares of the Company and totake upon the highest value of investment obligations based on the volume of enterprise's investment requirements. The enterprise's investment requirements are 18,600,000 (eighteen million six hundred thousand) Euro.

The main activities of JSC “ONIKS” are manufacturing consumer goods: household and office lamps, cut-class and glass wares and electro technical products.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact one of the addresses indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copyof the document confirming the payment effected.

The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on November 28, 2006.

Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on November 28, 2006.

Tender participants or their authorized representatives, which have submitted Tender Bids in accordance with established procedures, have the right to participate at the opening of the packages with tenders Bids.

**For all issues related to the tender, please contact:**

***The Work Body of the State Property Committee:***

CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau
State Property Committee Bldg.,
17th Floor
Uzbekistanskaya str. 55, 700003 Tashkent, Uzbekistan
Attention: Mr. Erkinjon S. Foziljonov Director General
Telephone: +998 (71) 139 22 51
Fax: +998 (71) 139 22 79
Email: ccpbuz@tps.uz

***Financial advisor:***

20 Dayev side str., Business center “Dayev Plaza”,
office #2.16, 103045 Moscow,
Russian Federation,
Attention: Mr. Sergeyl. Kharchenko
Head of representative office
Telephone: +7 (495) 204 81 52
Fax: +7 (495) 204 81 07
E-mail: kharchenko@finam.ru

3354R-2/1820

# ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

## ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июльдаги ПҚ-407-сонли қарорига мувофиқ**

**«ҚЎҚОН СУПЕРФОСФАТ ЗАВОДИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 85,2% АКЦИЯЛАР ПАКЕТИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР ўтказилишини эълон қилади.**

«ҚЎҚОН СУПЕРФОСФАТ ЗАВОДИ» ОАЖнинг корхона томонидан чиқарилган барча акцияларининг 85,2 (саксон беш бутун ўндан икки) фоизни ташкил этувчи 249 293 (икки юз қирқ тўққиз минг икки юз тўқсон уч) дона оддий акциялари корхона фаолият турини сақлаган ҳолда сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси — 2 350 000 (икки миллион уч юз эллик минг) АҚШ доллари ҳамда инвестор томонидан қабул қилинадиган инвестицион мажбуриятлар — 5 000 000 (беш миллион) АҚШ долларини ташкил этади. «ҚЎҚОН СУПЕРФОСФАТ ЗАВОДИ» ОАЖнинг 85,2% акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади.

«ҚЎҚОН СУПЕРФОСФАТ ЗАВОДИ» ОАЖ Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида жойлашган. Завод аралаш ўғитлар фабрикаси негизида 1935 йилда бунёд этилди. 1946 йилда аммонийлаштирилган суперфосфат ишлаб чиқарилиши бошланди. Корхона республикада ягона юксак самарали фосфорли ўғит ва қишлоқ хўжалигида ҳар қандай экин ҳамда ҳар қандай тупроқда ишлатиладиган аммонийлаштирилган суперфосфат ишлаб чиқаради.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилларнинг бирига мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2006 йил 28 ноябрда Тошкент вақти билан 12.00да тугайди.**

**Тендер таклифларини очиш 2006 йил 28 ноябрда Тошкент вақти билан 15.00да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар зали (5-қават)да бўлиб ўтади.**

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

**Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:**

***Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:***

Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент шаҳри, 700003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.
Бош директор Фозилжонов Эркинжон Собиржон ўғли эътиборига,
Телефон: 998 (71) 139-22-51.
Факс: 998 (71) 139-22-79.
Эл. почта: ccpbuz@tps.uz

3352б-1/1820

# INVITATION TO TENDER

## STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

**based on the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan #PP-407 dated July 10, 2006 hereby announces**

**the Open Tender for Privatization Sale of the 85,2% Share Package of Joint Stock Company “KUKON SUPERFOSFAT ZAVODI”**

249,293 (two hundred forty nine thousand two hundred ninety three) shares of common stock of JSC “KUKON SUPERFOSFAT ZAVODI” constituting the aggregate of 85.2% of the Company's total issued shares are being offered for sale conditional on preserving the production profile of the enterprise. Starting bidding price for the said package of shares is 2,350,000 (twomillion three hundred fifty thousands) US Dollars. The volume of investment obligation is 5,000,000 (five million) US Dollars. At that, the preference will be given to the company ready to offer the highest bid for the 85.2% of shares of the Companyand to take upon the highest value of investment obligations.

JSC "KUKON SUPERFOSFAT ZAVODI" is situated in Kokand city, Fergana region. The factory appeared on the basis of mixed fertilizers factoryin 1935. The production of ammoniated superphosphate began in 1946. This is the sole enterprise in the Republic outputting ammonium superphosphate which is highly effective phosphoric fertilizer and is used in agriculture for any plant and soil.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact one of the addresses indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon payment made for it, bypresenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on November 28, 2006.

Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on November 28, 2006.

Tender participants or their authorized representatives, which have submitted Tender Bids in accordance with established procedures, have the right to participate at the opening of the packages with tenders Bids.

**For all issues related to the tender, please contact:**

***The Work Body of the State Property Committee:***
CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau
State Property Committee Bldg., 7th Floor
Uzbekistanskaya str. 55, 700003 Tashkent, Uzbekistan

Attention: Mr. Erkinjon S. Foziljonov Director General
Telephone: +998 (71) 139 22 51
Fax: +998 (71) 139 22 79
Email: ccpbuz@tps.uz

3352б-2/1820

